2 ФЕВ 1993

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

1993 йил 2 февраль, сешанба

№ 23. (21.377).

Нархи: 5 сўм

МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБЛАР

МУҲТАРАМ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

⊙ Сизнинг ташаббусингиз ва фаол иштирокингизда ўтган Марказий Осиё давлатлари олий раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви ва бу ердаги битим-келишувлар туркистонликлар учун ўта катта аҳамиятга молликдир. Аллоҳга минг бор шукрки, истиқлол туфайли ушбу минтақада яшовчи халқлар ўзлигини англамоқда. Мустақил бўла туриб яна қайтадан ўз бирлигимизни тиклаяпмиз. Туркистоннинг иқтисодий умумийлигини таъминлашда катта қадам қўйилди. Шу йўлдан борс турриб, чуқур иқтисодий интеграция юз бериши ва бу халқларимизга катта нафс келтиришига ишонамиз.

Тошкент учрашуви МДҲ раҳбарларининг Минск шаҳридаги учрашуви натижаларига фаол таъсир этди, десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатимиз йўли яхшилик, дўстлик, миллий истиқлол йўлига айланмоқда. Халқимиз эртанги кунга ишонч туйғуси билан яшамоқда. Шунинг учун Ўзбекистон тажрибаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. «Останкино» телекомпаниясининг Ўзбекистон ва унинг Президентига бағишланган «Уларни халқ сайлаган» деб номланган кўрсатуви ана шу ният маҳсули дейиш мумкин.

Муҳтарам жумҳуррайс! Мустақил Ўзбекистонни умумдунё ҳамжамиятининг эркин ва тенг ҳуқуқли субъектига айланиши, унинг халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиши, умумжаҳон бозорига кириб борши олқишга ва таҳсинга сазовор ҳодиса эканини яхши тушунамиз. Чунки бу келажакда халқимизга иқтисодий равнақ ва фаровон турмуш ато қилади.

Сизнинг ташаббусингиз билан очилган Тошкент молия институти жамоаси бозор иқтисодига ўтиш йўлидаги ислоҳотларга хизмат қилади. Халқаро талабга жавоб берувчи ва рақобатга чидамли, ўз давлати ва халқига садоқатли молия—кредит ходимларини тайёрлаш, молия фанининг долзарб муаммоларини таҳлил этиб, олинган натижаларни амалий иқтисодиётга татбиқ этиш бизнинг вазифамиздир.

Сизга сиҳат-саломатлик, кучу-қувват тилаймиз, элюрт бахти йўлидаги ишларингизга доимо кўмакдошмиз.

Тошкент молия институти жамоаси.

РАСМИЙ ТАШРИФ

1 февраль куни Эрон Ислом Жумҳурияти ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий раҳбарлигидаги Эрон Ислом Жумҳурияти делегацияси Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюрди.

• • •

1 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Эрон Ислом Жумҳурияти ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий раҳбарлигидаги Эрон Ислом Жумҳурияти делегациясини қабул қилди.

Учрашув чоғида Олий Кенгаш Раиси Ш. Йўлдошев мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиб бораётганидан мамнун эканини изҳор қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўтган йил ноябрь ойида Эрон Ислом Жумҳуриятига расмий сафари чоғида бу алоқаларни янада тараққий эттиришга имкон берадиган муҳим ҳужжатлар имзоланди. Олий Кенгаш Раисининг таъкидлашича, парламентлараро алоқаларни янада кенгайтириш белгиланган режаларни тезроқ амалга оширишга омил бўлади.

Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий Ўзбекистон Республикаси Президентининг, мамлакат парламентининг халқларимиз орасидаги азалий дўстона муносабатларни ривожлантириш учун қилаётган саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди. Сафар давомида банк тизимини яхшилаш, божхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш, ер ости бойликларини қазиб олиш, фан, маданият, саёҳат соҳаларида ҳамкорлик қилишга оид ҳужжатлар имзоланишига умид билдирди.

• • •

Шу куни Эрон Ислом Жумҳурияти ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ш. Зиёмов билан ҳам учрашди.

(ЎзА).

Суратда: кутиб олиш пайти.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЭРОН ИСЛОМ ЖУМҲУРИЯТИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ АЛИ АКБАР ВИЛОЯТИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Али Акбар Вилоятий 1946 йили Теҳрон шаҳрида туғилган.

1965-1972 йиллар — Теҳрон дорилфунунининг тиббиёт шўъбаси талабаси, ихтисоси бўйича болалар шифокори.

1972-1975 йиллар — болалар тиббий марказида малака оширган.

1977 йил — Болалар юқумли касалликларини даволаш ихтисоси бўйича АҚШда олти ойлик курсда таълим олган.

1975-1980 йиллар — Тиббиёт коллежининг ходими.

1980 йил — Қизғин сиёсий фаолиятини бошлаган. 1961 йилдан Ислом партияси ва унинг марказий кенгаши аъзоси.

1980-1981 йиллар — Соғлиқни сақлаш вазирининг даволаш масалалари бўйича ўринбосари.

1981-1982 йиллар — Эроннинг Ислом маслаҳатлашув ассамблеясидаги вакили.

1982 йил 15 декабрдан — ташқи ишлар вазири.

Сиёсатга ва тиббиётга оид бир неча илмий асарлар муаллифи, оилали, тўрт фарзанди бор.

«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига

„ЎЗБЕКИСТОН-ВАТАНИМ МЕНИНГ" КОНКУРСИГА

Юртинг тинч бўлса, давраларга гурунг ярашар.
Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат-лавҳа.

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Афғон урушидан омон қайтиб, мустақил Ўзбекистон тараққиёти йўлида эл-юрт қатори меҳнат қилаётган булоқбошилик собиқ жангчи Сойибжон Исмонов оиласида янги меҳмон — учинчи фарзанд дунёга келди. Ота-она азиз ўғлига яхши ният билан жумҳуриятимиз равнақи йўлида халқимизга катта маҳорат билан раҳбарлик қилаётган Президентимиз Ислом Каримовнинг номини қўйди ва бу ҳақда Президентга хат йўллади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Ҳакимович Жўрабеков Андижонга келиб, Сойибжон Исмонов оиласида бўлди. Оила аъзоларини янги фарзанд билан муборакбод этиб, Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг табриги ва эсдалик совғасини топширди.

Р. РАҲМОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САХОВАТ

⊙ Оролни асраш республика қўмитасининг Хоразмдаги фаолият кўрсатаётган «Аму» фирмаси жамоаси Хива шаҳридаги 20-болалар уйига 100 минг сўмликдан ортиқ иссиқ кийим-кечак ҳамда хўжалик моллари хайрия қилди.

Куни кеча фирма бош директори Мадраҳим Матёқубов кўнгли ярим норасидалар уйига ана шу совғани топширди. Шу билан бирга у шахсий жамғармасида тўпланган 50 минг сўм миқдоридаги пулини ҳам ана шу даргоҳга тортиқ қилди. Болалар уйи директори Вера Борисовна Пак «Аму» фирмаси жамоаси ҳамда унинг саховатли раҳбари М. Матёқубовга хайрия ва шахсий тортиқ учун самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Тантанада воҳа шоирларидан Матназар Абдулҳаким, Жумабой Матёқубов, Абдулла Сафоев ва бошқалар иштирок этиб, болаларга аталган шеърларидан ўқиб беришди. Хайрия асосида Хива шаҳар ва ноҳияси ҳокими Эркин Раҳмонов, Оролни асраш республика қўмитаси раиси Пирмат Шермуҳамедов иштирок этишди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Сиёсий ташкилот нуфузи

«АРИЗАНИ ҲОЗИР ЁЗАМАН»

Задарё районидаги «Гигант» жамоа хўжалиги клубида бўлган учрашувда мулоқот якунланиб, одамлар тарқай бошлашди. Партия ташкилоти котиби Ёқубжон Тошбоев вилоятдан келган олимлар ва партия ходимларини кузатиб қўяр экан ҳозирги ижтимоий-сиёсий аҳвол, Марказий Осиё республикалари раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви якунлари ҳақида батафсил маълумот бергандикларни учун уларга хўжалик аъзолари номидан миннатдорчилик билдирди.

Учрашувдан сўнг ҳамма тарқаб кетган бўлса ҳам беш-олти чоғли ёшлар негадир идора олдида туришарди. Ёқубжон ака «айтадиган гаплари борга ўхшайди» дея кўнглидан ўтказиб улар томонга юрди. Ҳақиқатан ҳам шундай экан.

— Биз Халқ демократик партияси сафига кирмоқчимиз, — дейишди улар.

Ёқубжон ака уларни хонасига бошлаб кириб, ҳар бирига ариза бланкасини берар экан:

— Яна бир пухта ўйлаб кўриб, аризаларни эртага тўлдириб келсангиз ҳам майли, — дея алоҳида таъкидлади.

— Аризани ҳозир ёзаман, — деди ёшлардан бири. Қолганлар ҳам шу фикрда туриб олишди.

Маълум бўлишича, бу ёшлар шу пайтгача партия сафига киришга иккиланиб юришган экан. ХДП вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси якунлари, Ўзбекистон Конституцияси ҳамда иқтисодий-сиёсий вазиятни таҳлил ва тарғиб қилиш гуруҳи билан бўлиб ўтган учрашув-мулоқотдан сўнг улар шундай қарорга келишибди.

— ХДП вилоят кенгаши ташаббуси билан ушбу гуруҳ ташкил этилганида бизнинг чиқишларимизни одамлар қандай қабул қилишаркин, маърузалар ёқармикан деб ўйлагандик, — деди гуруҳ аъзоси, фалсафа фанлари доктори профессор М. Нишонов. — Лекин дастлабки учрашув ва суҳбатлар давомидаёқ бу шубҳаларга ўрин қолмади. **Негаки одамлар Президентимиз, ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлабгина қолмай, унда иштирок этиш истагини ҳам билдиришмоқда.** Хуллас, ҳозирги иқтисодий-сиёсий ва халқаро вазият ҳеч кимни лоқайд қолдирмаяпти. Шу боис ҳам учрашувларимиз қизғин мунозарага, жонли мулоқотга айланиб кетяпти.

Ҳозирги иқтисодий қийин шароитда мана шундай учрашув-мулоқотлар орқали шу кунги вазиятни тўғри идрок этишга кўмаклашаётгани учун одамлар Халқ демократик партиясига ўз миннатдорчиликларини билдиришмоқда.

А. МАДАТОВ.

ЧОРВАДОР МЕҲНАТИ ҚАДРЛАНЯПТИ

● Сир эмас, ўтган йилларда деҳқон сингари чорвадорнинг ҳам косаси оқармади. Шу боис ҳам қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар ясаш мақсадида мамлакатимиз Президенти қатор Фармонлар чиқарди. Бу фармонлардан кейин чорвадорнинг жонига ҳам оро кирди. Бири икки бўлди.

Чортоқ районидаги Навоий номли жамоа хўжалигида бўлсангиз ушбу фикримизга юз фоиз қўшиласиз. Бу ерда чорвадорлар учун барча шароитлар етарли. Уларга ун, гуруч, ёғ каби озиқ-овқат маҳсулотлари вақтида етказиб берилмоқда. Ҳар ҳафта арзон нархда гўшт ҳам сотилмоқда.

Чорвадорлар Президент фармонига асосан аҳолига чорва моллари ва ем-хашак етказиб беришяпти. Айни пайтда уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш чоралари кўрилмоқда. Ҳозир сут соғувчи 8000, мол боқувчи 6000 сўмдан маош оляпти. Қўшимча иш ҳақи тўлаш ҳам жорий этилган. Хуллас, чорвадор меҳнатига яраша рағбат олмоқда.

С. ТУРҒУНОВ.

ТАНҚИДИЙ ЧИҚИШЛАРНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ ОШАДИ

Кейинги пайтлар газета саҳифаларида эълон қилинган ёки телевидение кўрсатувлари, радио эшиттиришларида танқидий чиқишларнинг таъсирчанлиги кўринмай қоляпти. Одилона танқид қилинган жойларнинг раҳбарлари бундан тегишли хулосалар чиқариб олиш ўрнига қийинчиликларни янада кўпайтириб юбордилар. Шунинг учун ҳам жамиятимизда содир бўлаётган салбий кўринишларни бартараф қилиш, танқиднинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Уббиниёз Аширбеков Олий Кенгашнинг чет эллар билан алоқа ва ахборот воситалари бўлимига масъулиятли вазифалар юклади. Эндиликда газеталарда эълон қилинган ёки телевидение кўрсатувларида, радио эшиттиришлардаги ҳар қандай одилона танқид шу куниёқ бўлим томонидан ўрганиб чиқилади. Унинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида танқид қилинган жойнинг раҳбарларидан ҳисобот олинади.

Олинган жавоблардаги маълумотлар бўлим томонидан умумлаштирилиб, Олий Кенгаш раҳбариятига ахборот тарзида етказиб берилади. Унинг якуни тегишли комитетларда муҳокама қилиш зарур деб топилса, Олий Кенгаш раёсатида кўрилади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖИНОЯТЧИЛИК ПАЙИ ҚИРҚИЛМОҚДА

АНДИЖОН, 29 январь (ЎзА). Илгари хабар қилинганидек, шу ой бошида республика Президенти Ислом Каримовнинг топшириғига асосан тегишли вазирликларнинг мутахассислари Андижон вилоятида жиноятчиликка қарши кураш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, вазиятни барқарорлаштириш борасида иш бошлаган эдилар. Нуфузли комиссия аъзолари вилоятда Президент фармонларини бажаришда йўл қўйилаётган саноларликларни, ҳуқуқ-тартиботнинг бузилиши, уюшган жиноятчилик ҳолларини, савдодаги кечириб бўлмас камчиликларни очиб ташлади.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида мазкур комиссия иши якунига бағишланган фаоллар йиғилишлари ўтказилмоқда. Бугун Андижон шаҳри, Олтинкўл, Балиқчи туманларида бўлиб ўтган йиғилишларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Пахтаобод, Андижон, Избоскан туманларида эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Б. Умрзоқов сўзга чиқди. Йиғилишларда, шунингдек, республика Бош прокурори Б. Мустафоев иштирок этди.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

• Чорва қишлови қандай ўтмоқда?

ҚИЗИЛҚУМ КЕНГЛИКЛАРИДА

Қизилқум кенгликларининг бир қисмини эгаллаган Конимех районида иқтисодиёти бақувват, бозор муносабатлари билан бемалол рақобат қиладиган хўжаликлар талайгина. Бунга мисол қилиб «Шофиркон», «Қизилқум», «Сарибел» ва «Чордара» хўжаликларини кўрсатиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, қўйчиликка ихтисослашган мазкур хўжаликларнинг ҳаммаси миллионер рентабеллик даражаси жуда юқори саналади.

«Чордара» бўрдоқичилик хўжалигининг ўзида бултур қарийб 300 миллион сўмлик чорва маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Агар жумҳурият Президенти фармонига кўра режадаги 15 фоиз ва режадан ташқари ҳамма маҳсулотни эркин сотиш ҳуқуқидан келиб чиқадиган бўлсак, жорий йил соф фойдасининг ўзи 100 миллион сўмдан ошади. Хўш, бунга қандай қилиб эришиляпти?

— Биз ҳар йил уч босқичда 3,5-4 минг бош қўйни ўртача 90 кундан бўрдоқига боқамиз, — дейди хўжалик директори Юбилей Қиздувғанов. — Ана шу давр ичида Томди, Учқудуқ райони хўжаликларидан келтирилган 18 ёки 20 килограмм атрофида бўлган ориқ қўй то 50 килограмм тош босгунга қадар семиртирилади. Ана шундай кўрсаткичга эришсаккина етиштирган маҳсулотимиз фойда келтиради. Яна бир жиҳати, ана шу тўксон кун давомида биз тадбиркорлик туфайли аксарият семиз қўйларни кочириб, қоракўлча олишга ҳам эришамиз. Биласизми, жаҳон бозорида ҳар бир қоракўлча Америка доллари билан қанча баҳоланади?..

Ҳа ҳамма гап ана шунда! «Чордара»нинг иқтисодиётини йўлга қўяётган, жамоасини ижтимоий ҳимоя қилаётган бирдан-бир восита бу — хом ашё сифатидир. Масалан, ҳар йили хўжалик камида минг, бир ярим минг атрофида қоракўлча етиштиришга эришади. (Қоракўлча бўғоз қўйнинг қорнидан ёриб олинган кўзи терисидир). Агар бу терининг ҳар қайсиси хорижда 7-10 долларлар баҳоланишини ҳисобга олсак, масала ойдинлашади. Бундан ташқари хўжалик чорвадорлари ҳар йили ўртача 350 тоннадан ортиқ гўшт, 3,5 минг дона атрофида тери, 3 тонна тоза тола тарзидаги жун ишлаб чиқаришади. Бунинг ҳам турган битгани мўмай даромад, ахир!

Ўтган йил хўжалик бўрдоқибоқарлари 3 минг 216 бош қўйни семиртириб гўштга топширишди. Эл дастурхонига 338 тоннадан зиёд сифатли гўшт тортиқ этилди. Ҳар бир қўйдан ўртача 4 килограммдан қўшимча салмоқ олинди ёки 96,4 фоиз маҳсулот олий навга сотилди. Умумий якун бўйича ҳар бир бўрдоқига боқилган қўйнинг ўртача тирик вазни 49-50 килограмм тош босди. Бу ҳам ўз навбатида даромад олиб келди.

Хўжалик чорвадорлари фақат молларни бўрдоқига боқиш, маҳсулот сифатини яхшилаш билан чегараланиб қолмасдан ёрдамчи хўжаликлар тузиш, фойдани янада кўпайтириш чораларини ҳам кўришаяпти. Кейинги икки йил ичида бу ерда алоҳида ёрдамчи хўжалик ташкил этилиб, 70 бош йилқи ва туя, 25 бош қорамол, 640 бош қўй ва эчки бўлишига эришилди. Ҳадемай, улар сони икки-уч бараварга ошади. Бу ҳам иқтисодиётга хизмат қилади. Яқинда хўжалик директори ва бош зоотехник Совет Мунсизбаевнинг таклифи билан хўжаликда паррандачилик ёрдамчи хўжалиги ташкил этилди ва кўплаб зотдор жўжалар сотиб олинди. Намунали парвариш туфайли ҳозирдаёқ жўжалар сони минг бошдан ошиб кетди. Натижада парҳез гўшт ва тухум етиштириш йўлга қўйилди. Эндиликда «чордара»ликлар курка ва ўрдакчиликни ҳам йўлга қўйишмоқчи.

Хуллас, тадбиркорлик, ишбилармонлик бор жойда муваффақият кўпайиб, даромад ортаверар экан. Эндиликда хўжаликда ўз ишчиларидан ортган чорва маҳсулотлари кам таъминланган оилаларга, боғча ва яслиларга бепул тарқатилаяпти. Бўрдоқибоқарлар учун эса тушлик овқат ҳам, автобусда бориб-келиш ҳам айтарли текин. Ана шундан бўлса керак шу изғиринли қишлов кунларида Г. Бердинова, Ж. Қулсариева, Д. Мирзабоева, Ў. Жарбусинов Қ. Атимова сингари чорвадорлар ўзаро беллашиб, тажрибаларини ўртоқлашиб меҳнат қилишмоқда.

— Қишлов учун дағал хашагимиз ҳам, омухта емимиз ҳам етарли, — дейди хўжалик директори Ю. Қиздувғанов. — Бироқ чигит пўстлоғи ҳадеганда топилмаяпти. Худди шу масалада бизга амалий ёрдам керак. Бунинг устига ёнилғи ва техника учун эҳтиёт қисмлар ўта киммат бўлсада ўз вақтида ололмаяпмиз. Иқтисодиётимизни «ўпириб» кетаётган ҳам худди шу — янги техника ва ёнилғи.

... Дарҳақиқат, хўжалик раҳбари сўзларида жон бор. Замон энди ишчанликни, ташаббускорликни ёқтиради. «Чордара»да фойдани кўзлаб ишлайдиганлар бор экан, чорвасига чорва, даромадига даромад қўшилаверади.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлари

Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера хавосини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлари билан, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

2-модда. Табиатни муҳофаза қилиш объектлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектлари

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ифлосланишдан, бузилишдан, зарарланишдан, ориқлаб кетишдан, вайрон бўлишдан, йўқ бўлиб кетишдан, оқилона фойдаланмасликдан муҳофаза этилиши лозим.

Давлат қўриқхоналари, миллий, тарихий-табиий ва ёдгорлик боғлари, заказниклар, табиат ёдгорликлари, ботаника ва зоология боғлари, дендрария боғлари, шунингдек халқаро Қизил китобга ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектлари жумласига киради.

Курорт ва рекреацион жойлар, ер усти ва ер ости сувлари тўпланадиган жойлар (дарё водийлари, адирлар, тоғ ён бағирлари) нодир ва қимматбаҳо металлар конлари, сув объектларининг соҳилбўйи минтақалари ва сувни муҳофаза этиш жойлари (минтақалари), алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудларининг қўриқланадиган (буфер) жойлари, балиқчилик хўжаликлари жойлашган ерлар, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари ҳамда бошқа жойлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан, халқаро шартномалар билан белгилаб қўйиладиган тартибда алоҳида муҳофаза этилмоғи керак.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорлари билан алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектларининг ўзга турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

3-модда. Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад

Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад:

инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;

экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

экология хавфсизлигини таъминлаш;

табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолишдир.

4-модда. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермерлик ва кооператив хўжаликлар, шунингдек айрим шахслар хўжалик бошқарув ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида қўйидаги қоидаларга амал қилишлари керак:

инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш;

фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги;

жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

табиатдан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тўламаслик;

экология экспертизаси ўтказишнинг мажбурийлиги;

табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;

табиий ресурларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;

табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш.

5-модда. Табиий ресурсларга нисбатан мулкчилик

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Табиий ресурсларни бериш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

6-модда. Табиатдан умумий тарзда ва махсус йўсинда фойдаланиш

Ўзбекистон Республикасида табиатдан умумий тарзда ва махсус йўсинда фойдаланилади.

Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш фуқаролар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун текинга табиий ресурларни айрим фойдалануувчиларга бириктирмай ва ҳеч қандай рухсатномалар бермай туриб амалга оширилади.

Табиатдан махсус йўсинда фойдаланиш тариқасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга ишлаб чиқариш ва ўзга хил фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслар ҳақ олиб махсус рухсатномалар асосида эгалик қилишга, фойдаланиш ёки ижарага берилади.

II. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИНИНГ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ЭТИШГА ТААЛЛУҚЛИ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Қуйидагилар:

табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

давлат экология дастурларини тасдиқлаш;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги республика қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

ҳудудларни фавқулодда экология ҳолати, экология офати ва экология фалокати минтақалари деб эълон қилиш, бундай минтақаларнинг ҳуқуқий режимини ва жафо кўрганларнинг мақомини белгилаш;

табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли қонунлар ижросини мувофиқлаштириб бориш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақ олишнинг энг кўп—кам ҳажмини, шунингдек тўловларни ундириб олишдаги имтиёзларни белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ихтиёрига берилган бошқа масалаларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мутлақ ваколат доирасига киради.

8-модда. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг давлат бошқаруви

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланишнинг давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, давлат бошқаруви маҳаллий идоралари амалга оширадилар.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида:

табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёсат юритиш;

табиат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш;

табиий ресурсларга нисбатан табиат кадастри юритилиши тартибини белгилаш ва бундай кадастр юритилишини таъминлаш, республика аҳамиятига молик табиий ресурсларнинг захираларини тасдиқлаш;

экология жиҳатидан танг вазиятлар, табиий офатлар ва фалокатларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

табиий офатлар ва йирик аварияларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик, чиқиндилар, зарарли таъсир этувчи бошқа нарсалар жойлаштириб ташлаганлик учун ҳақ тўлаш тартибини, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланиш, чиқиндилар жойлаштириш лимитларини белгилаш;

экология маорифи ва тарбияси тизимини яратиш ҳамда унинг амал қилишини таъминлаш;

табиатдан алоҳида тартибда фойдаланиладиган ҳудудларнинг чегараларини, табиатни муҳофаза қилиш ва хўжалик фаолияти режимларини тасдиқлаш;

табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг ваколат доирасига киради.

10-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув маҳаллий идораларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида:

ўз ҳудудида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, минтақанинг (ҳудуднинг) экология дастурини тасдиқлаш;

табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳволига баҳо бериш, экология жиҳатидан зарарли бўлган объектларни рўйхатга олиш;

табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш;

табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи, саноат чиқиндиларини ёки рўзғор чиқиндиларини тўплаш ёки қўмиб ташлашга рухсатномаларни белгиланган тартибда бериш ёки уларни бекор қилиш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ундириш;

табиатнинг муҳофаза қилиниши устидан назорат ўрнатиш, атроф муҳитга зарар етказаётган маҳаллий аҳамиятга молик объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ваколатига киради.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига бўйсунади ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар томонидан ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тасдиқлайдиган Низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИНГ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

12-модда. Инсоннинг яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ва бу муҳитни сақлаб қолиш борасидаги бурчи

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт.

13-модда. Табиатни муҳофаза қилиш жамоат бирлашмаларининг ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ қабул қилинган уставларида белгилаб қўйилади.

IV. АТРОФ ТАБИИЙ МУҲИТ СИФАТИНИ НОРМАТИВЛАР БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИШ

14-модда. Атроф табиий муҳит сифатининг нормативлари ва стандартлари

Хўжалик фаолиятининг атроф табиий муҳитга зарарли таъсири атроф табиий муҳит сифатининг аҳолининг экология жиҳатидан хавфсизлигини, табиий ресурсларни тиклаш ва муҳофаза қилишни кафолатловчи нормативлари ва стандартлари билан чеклаб қўйилади.

Ҳудудий — ишлаб чиқариш мажмуаларини таркиб топтиришда, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилишни ривожлантиришда ҳамда шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктларини қайта қуриш ва таъмирлашда атроф табиий муҳитга бўладиган таъсирнинг йўл қўйиш мумкин бўлган меъёрлари белгиланади.

15-модда. Экологик нормативларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар атроф муҳитга таъсирнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори даражаларини тартибга солувчи экологик ва бошқа йўсиндаги мезонларни ишлаб чиқишлари шарт.

Экологик нормативларни ўзларига берилган ваколатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларни бехатар олиб боришни назорат давлат қўмитаси тасдиқлайдилар.

Кимёвий дори-дармонларни қишлоқ хўжалигида ишлатишга Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рухсат этилади.

V. ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

16-модда. Табиатдан фойдаланишга йўл қўйилиши

Табиатдан фойдаланишга атроф табиий муҳитни яшаш учун яроқли ҳолда сақлаш, табиий ресурслардан белгиланган тегишли нормативлар доирасида фойдаланиш ва қайта тикланадиган ва қайта тикланаётган табиий ресурслар қайта тикланишини таъминлаш шарти билан йўл қўйилади.

17-модда. Тупроқдан фойдаланиш шартлари

Тупроқ дейилганида ер қобиғининг тириклик учун фойдаланиладиган ва ўсимликлар билан бирга амал қиладиган юзадаги унумдор қатлами тушунилади.

Тупроқдан унинг унумдорлигини пасайтирмаган ҳолда табиий ва маданий ўсимликлардан ҳосил олиш учун фойдаланилади.

Тупроқнинг иншоот остида қоладиган гумусли қатлами бошқа жойларда ҳосилдорликни ошириш учун олиб кетилиши керак.

18-модда. Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан фойдаланиш шартлари

Ер ости бойликлари дейилганида ер қобиғининг юқори қисмини қамраб олувчи, тадқиқотлар ўтказиш ва фойдали қазилмалар кавлаб олиш мумкин бўлган сатҳ, фойдали қазилмалар дейилганида эса иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига молик геологик ҳосилалар тушунилади.

Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан қуйидаги шартлар билан фойдаланилади:

қазиб олишда ана шу бойлик ва қазилмалар ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган бошқа табиий ресурслардан комплекс ва оқилона фойдаланиш таъминланса, шунингдек атроф табиий муҳит ва ер ости бойликлари ифлосланишининг олди олинса;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш чоғида ҳолати ўзгарган ерлар рекультивация қилинса;

қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан табиий қайта тикланишига эришиладиган даражадагина фойдаланилса.

19-модда. Сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер усти, ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табиий айланишини сақлаш, унинг нормативда кўрсатилган даражада тозалигини таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонларини асраш, сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, уларда экология мувозанатини сақлаш ва сув ҳавзасига ландшафт элементи сифатида зиён етказмаслик шарти билан йўл қўйилади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари, ўрмон ва сув хўжалиги идоралари дарё ирмоқлари ҳосил бўладиган жойларда, сув ҳавзалари соҳили минтақаларида дарахтзорларни тиклашлари ва довдарахтни кўпайтиришлари ҳамда уларнинг сақланишини таъминлашлари шарт.

20-модда. Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш шартлари

Атмосфера ҳавоси дейилганида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидаги ҳаво бўшлиғи тушунилади. Ҳаводан фойдаланишга муайян ҳудуд ҳавосининг сифатини ўзгартирмаслик, уни белгиланган нормативлардан ортиқ даражада ифлослантирмаслик ёки сийраклаштирмаслик шарти билан йўл қўйилади.

Халқаро битимга мувофиқ вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳусусий шахслар озон қатламига зарарли таъсир этувчи кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ҳамда бундай моддалардан фойдаланишни қисқартиришлари ва келгусида батамом тўхтатишлари шарт.

21-модда. Жонли табиат объектларидан фойдаланиш шартлари

Жонли табиат дейилганида табиий ўсимликлар, шу жумладан ўрмон, табиатда эркин яшайдиган ҳайвонлар ва бошқа жонли организмлар тушунилади.

Жонли табиат объектларидан:

уларнинг қайта тикланиш қобилиятини сақлаш;

уларнинг хилма-хил турини ва тўдаларининг барқарорлигини сақлаш;

атроф табиий муҳитнинг биологик жиҳатдан ифлосланишига йўл қўймаслик шарти билан фойдаланилади.

22-модда. Ишлаб чиқариш ва рўзғор чиқиндиларини чиқариб ташлаш шартлари

Чиқиндилар, шу жумладан қўшилиб кетган моддалар ишлаб чиқариш ва коммунал — маиший соҳалардан такрор фойдаланиш, тўплаш, тарқатиб юбориш, қўмиб ташлаш орқали йўқотилади.

Ишлаб чиқариш чиқиндиларини атроф табиий муҳитга зарар етказмаган ҳолда чиқариб ташлаш учун масъулият ана шу чиқиндиларни ҳосил қилган ташкилот ёки шахс зиммасида бўлади. Рўзғор чиқиндиларини йўқотиш маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан ташкил этилади.

Чиқиндилар кейинчалик улардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш, атроф табиий муҳитга зарар етказмаслик имкониятини таъминлайдиган усулда чиқариб ташланади.

Ишлаб чиқарган маҳсулотлари ёки уларни жойлаш идишлари ва ўраш материалларининг бир қисми чиқиндига чиқадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ана шу чиқиндиларнинг қайта ишланишини таъминлашлари шарт.

23-модда. Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш

Табиий ресурслардан фойдаланиш талабларини мутасил бузадиган фойдалануувчи табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

VI. ЭКОЛОГИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

24-модда. Давлат экология экспертизасининг мақсадлари

Давлат экология экспертизаси хўжалик қарори қабул қилинишидан олдин ўтказилиши шарт бўлган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбиридир.

Давлат экология экспертизаси Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Давлат экология экспертизасининг мақсади мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ёки ўзга фаолиятнинг экология жиҳатдан қай даражада ҳавфли эканлигини аниқлаш, бу ҳилдаги фаолият табиатни муҳофаза қилиш қонунларининг талабларига қанчалик мувофиқлигини баҳолаш, лойиҳаларда назарда тутилаётган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг қай даражада етарли ва асосли эканлигини аниқлашдан иборатдир.

25-модда. Давлат экология экспертизасининг объектлари

Қуйидагилар давлат экология экспертизасидан ўтказилиши керак:

давлат дастурлари, концепцияларининг, ишлаб чиқарувчи кучлар ва халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ҳамда жойлаштириш асосий йўналишлари ҳамда схемаларининг лойиҳалари;

ҳар қандай турдаги қурилиш учун жой танлашга оид материаллар, режа тузиш олдидан, лойиҳалаш олдидан тайёрланадиган ҳужжатлар ва лойиҳа ҳужжатлари;

экология ҳолатига баҳо бериш, табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ тадқиқот ишларининг дастурлари;

хўжалик фаолиятини ва табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солувчи йўл-йўриқ ва усул йўсинидаги ҳамда норматив—техникавий ҳужжатларнинг лойиҳалари;

янги техника, технология, материаллар ва моддалар яратишга, шу жумладан чет эллардан сотиб олишга доир ҳужжатлар, бошқа ҳужжатлар ва техника, маҳсулот стандартлари;

Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотлар;

кимёвий моддалар;

айрим минтақалар, жойлар ва объектлардаги экология вазияти;

атроф табиий муҳитнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар.

Давлат экология экспертизасининг ижобий хулосасисиз лойиҳаларни рўёбга чиқариш ман этилади.

26-модда. Давлат санитария—экология экспертизаси

Давлат санитария—экология экспертизаси атроф табиий муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига қанчалик зарарли таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Давлат санитария—экология экспертизаси соғлиқни сақлаш идораларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тайинланади.

Давлат санитария—экология экспертизасини ўтказиш тартиби ва усулларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишиб туриб тасдиқлайди.

27-модда. Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси жамоат бирлашмаларининг ташаббусига кўра уларнинг маблағлари ҳисобидан ёки жамоатчилик асосида мутахассисларнинг мустақил гуруҳлари томонидан амалга оширилади.

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизасининг хулосалари тавсия тамойилига эга бўлади.

VII. ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ

28-модда. Атроф табиий муҳит мониторинги

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва уларнинг истиқболини белгилашни таъминлаш мақсадида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизими ташкил этилади.

Атроф табиий муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув маҳсус ваколат берилган идоралар, шунингдек фаолияти атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки ёмонлаштириши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади.

Махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек айтиб ўтилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз кузатувларига доир материалларни тегишли давлат идораларига бепул беришлари шарт.

Мониторинг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

29-модда. Экологик назорат вазифалари

Экологик назорат олдига:

атроф табиий муҳит ҳолатини ҳамда хўжалик юритиш ва бошқа фаолият таъсири остида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар талаблари ва атроф табиий муҳит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда айрим тадбирлар бажарилишини текшириш вазифаси қўйилган.

Экологик назорат тизими давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратидан иборат.

30-модда. Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати табиий муҳитда содир бўлаётган физик, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, тупроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини атроф табиий муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жорий ва шошилинч ахборотлар ҳамда бу муҳит ҳолатига доир таҳминлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги ахборот очиқ-ошкора йўсинда бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари давлат табиатни муҳофаза этиш идоралари томонидан эълон қилиш учун мунтазам бериб борилади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари фалокатлар ва бошқа ҳодисалар натижасида атроф табиий муҳит нормативда белгиланганидан ҳам ортиқроқ даражада ифлосланган тақдирда бундай фалокат ва ҳодисалар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор этишлари шарт.

Табиий ресурсларнинг миқдор, сифат ва бошқа хил кўрсаткичларини, улардан фойдаланишнинг ҳажми, тартиб тамойилини ҳисобга олиб бориш учун давлат табиий ресурслар кадастрлари юритилади.

Атроф табиий муҳит ҳолатига зарарли таъсир қиладиган ёки номақбул тарзда таъсир этиши мумкин бўлган объектлар, атроф табиий муҳитга тушадиган зарарли моддаларнинг турлари ва миқдори, ишлаб чиқариш ва рўзғор чиқиндиларининг ҳажмлари ва таркиби ҳам назорат этиб борилади ва давлат ҳисобига олинади.

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини назорат этиш хизматининг таркиби, уни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши тартиби, давлат табиий ресурслар кадастрларини, атроф муҳитга зарарли таъсир этувчи объектларнинг давлат ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан белгилаб берилади.

31-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш ва кончилик назорати давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширишда қатнашишга идоравий экологик хизмат бўлинмаларини белгиланган тартибда жалб этишлари мумкин.

32-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг экология хизмати шу вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолияти устидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоравий назоратни амалга оширади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлаб чиқариш назоратини корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг экология хизмати амалга оширади ва табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг талаблари бажарилиши юзасидан дастурлар ҳамда айрим тадбирлар ижросини текшириш мақсадини кўзлайди.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоат назоратини жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, фуқаролар амалга оширадилар.

Идоравий, ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи экология хизматларини ва экология соҳасидаги жамоат назоратини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тартиби ушбу Қонун ва мазкур хизматлар ҳамда жамоат назорати тўғрисидаги низомлар билан тартибга солиб борилади.

VIII. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

33-модда. Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий тартиботи

Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий тартиботи:

табиий ресурслардан махсус фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик (шу жумладан чиқиндиларни жойлаштирганлик) ва атроф табиий муҳитга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўлов ундиришни;

камчиқитли ва ресурсларни тежайдиган технологиялар жорий этилганида, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурларни қайта тиклашда самара берувчи фаолият амалга оширилганида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга шунингдек айрим шахсларга солиқ, кредит имтиёзлари ва ўзга имтиёзлар беришни;

экология нуқтаи назаридан хавфли технологияларни

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда.)

қўлланганлик ва ўзга фаолиятни амалга оширганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан махсус солиқлар жорий этишни;

атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, қазиш ёхуд экология нуқтаи назаридан ўзга зарарли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар (рухсатномалар) олишни;

табиий муҳитнинг қулай ҳолатини бузган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар зиммасига уни тиклаш вазифасини юклашни;

табиат объектларини бузиш ёки йўқ қилиб юбориш оқибатида етказилган зарар учун белгиланган тартибда товон пули ундиришни;

табиатни муҳофаза қилиш борасидаги режалар ва чора-тадбирлар бажарилмаган, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг норматив-техник ва бошқа талаблари бузилган ҳолларда мансабдор шахслар ёки бошқа ходимларни асосий ишлаб чиқариш фаолиятида эришилган натижалар бўйича бериладиган пул мукофотлардан ёки бошқа мукофотлардан тўлиқ ёки қисман маҳрум этишни;

экологик соф маҳсулот чиқарганлик учун рағбатлантирувчи нархлар ва устама ҳақлар белгилашни;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, меъёрда белгиланганидан ортиқча фойдаланганлик учун табиатдан фойдаланувчиларга нисбатан иқтисодий жазо чораларини ҳамда табиий ресурслардан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланганлик учун иқтисодий рағбатлантиришни қўлланишни;

табиий муҳитни сақлаш соҳасида ва экологик соф маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳаммадан юқори кўрсаткичларга эришган давлат, кооператив, жамоат корхоналари ва муассасалари ва ташкилотлари, бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг жамоаларини ва айрим ходимларини, шунингдек айрим шахсларни моддий рағбатлантиришни кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантириш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида белгилаб қўйиладиган тартибда қўлланилади.

34-модда. Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар

Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик (ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун тўланадиган тўловлардан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўланадиган тўловлардан иборат бўлади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ва ўзгача тўлов миқдорлари, шу жумладан ижара тўловларининг миқдори, табиий ресурсларнинг қай даражада кенг тарқалганлиги, сифати, уларни қайта тиклаш имкониятлари, улардан фойдаланишнинг қай даражада қулайлиги, комплекслилиги, самарадорлиги, уларнинг жойлашган ери, чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳамда бошқа жиҳатларни инобатга олган ҳолда, шунингдек тегишли лимитлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда аниқланади ва тасдиқланади.

Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўлов миқдорлари ҳамда тегишли лимитлар манфаатдор идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг идоралари томонидан тасдиқланади.

Республика аҳамиятига молик табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан, маҳаллий аҳамиятга молик табиий ресурслар бўйича эса маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан белгиланади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналар маҳсулотларининг (бажарган ишларининг, кўрсатган хизматларининг) таннархига қўшилади.

Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик ва оқизганлик, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштирганлик учун, шунингдек табиатдан рухсатномада (нормативда) белгиланганидан ташқари фойдаланганлик ва ўзгача махсус тарзда нооқилона фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналарнинг фойдасидан (даромадидан) ундирилади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик, уларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўлов маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг бюджетига тушади ҳамда алоҳида модда билан хисобга олинади.

Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштирганлик учун тўлов табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига келиб тушади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида табиатдан фойдаланганлик учун тўловлардан озод қилиш ҳоллари, шунингдек бошқа солиқ имтиёзлари назарда тутилиши мумкин.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ва зарарли моддаларни чиқарганлик (оқизганлик) учун тўловларни амалга ошириш корхона, бирлашма ва ташкилотни, шунингдек айрим шахсларни экология тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

35-модда. Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини пул билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари ҳузурида табиатни муҳофаза қилиш республика жамғармаси ҳамда маҳаллий жамғармалари ташкил этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларини таркиб топтириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги низом билан белгилаб қўйилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамоат жамғармалари аҳолининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ихтиёрий бадаллари ва бошқа манбалар ҳисобидан, шунингдек ажнабий юридик шахслар ва фуқароларнинг ажратмалари ҳисобидан ҳосил бўлади. Жамоат жамғармаларини ташкил этиш ва сарфлаш тартиби тегишли жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланадиган табиатни муҳофаза қилиш жамоат жамғармалари тўғрисидаги низомлар билан белгилаб қўйилади.

36-модда. Экология суғуртаси

Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслар сифатининг ёмонлашуви оқибатида зарар етиши ҳолларини назарда тутиб, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда даромадлари, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки ихтиёрий ҳамда мажбурий суғурта қилинади.

Экология суғуртасининг тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйилади.

37-модда. Табиатни муҳофаза қилиш тизимидаги рағбатлантириш

Табиатдан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни рағбатлантириш:

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширганлари тақдирида уларга солиқ солишда имтиёзлар бериш;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳофазасини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун имтиёзли шартларда қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар (ссудалар) бериш;

асосий ишлаб чиқариш фондлари учун юқори амортизация нормалари белгилаш;

атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизиш ҳамда чиқиндиларни жойлаштириш барқарор суръатда пасайтириб борилган тақдирда бундай моддаларни чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловларни камайтириш;

табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари маблағларининг бир қисмини ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизишни камайтириш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш мақсадида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга фоизли қарзлар сифатида шартнома асосида бериш орқали амалга оширилади.

IX. ФАВҚУЛОДДА ЭКОЛОГИЯ ВАЗИЯТЛАРИ

38-модда. Фалокатларни ва уларнинг экологияга зарарли оқибатларини бартараф этиш

Фалокат содир бўлган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотлар фавқулодда экология вазиятларига мўлжалланган ўз ҳаракат режаларига мувофиқ фалокатни бартараф этишга дарҳол киришишлари шарт. Айни вақтда улар фалокат ҳақида ва уни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига, давлат табиатни муҳофаза қилиш идораларига, шунингдек бундай фалокатларнинг экологияга зарарли оқибатларини бартараф этишга ихтисослашган хизматларга дарҳол хабар қиладилар.

39-модда. Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақалари

Хўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолият, табиат стихияли кучларининг вайрон этувчи таъсири ёхуд рўй берган фалокат ёки ҳалокат натижасида муайян ҳудудларнинг, шу жумладан сув ва ҳаво бўшлиғининг атроф табиий муҳитда инсон саломатлигига, табиий экология тизимларининг, ўсимлик ва ҳайвонлар генетик фондларининг ҳолатига таҳдид солувчи барқарор салбий ўзгаришлар содир бўлаётган қисми фавқулодда экология вазияти минтақалари деб эълон қилинади.

Муайян ҳудуднинг табиат мувозанати, табиий экология тизимлари бузилиши билан боғлиқ ҳолда табиий муҳитда барқарор ёки тузатиб бўлмас ўзгаришлар рўй берган ёки рўй бераётган қисми экология офати минтақалари деб эълон қилинади.

Фавқулодда экология вазияти ёки экология офати минтақалари деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор қонунларда белгилаб қўйилган тартибда қабул қилинади.

Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақаларида шу вазиятни келтириб чиқарган ишлар тўхтатиб қўйилади, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир этувчи фаолият (аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият бундан мустасно) тақиқланади, табиий муҳитни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

40-модда. Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар

Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар деганда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан биринчи даражали хавфли моддалар жумласига киритилган ўта заҳарли, кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар, радиоактив ва бошқа моддаларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш чоғида атроф табиий муҳитнинг ортиқча даражада ифлосланиши, табиат тизимларининг шикаст топиши, инсон саломатлиги ва ҳаётига зиён етиши таҳдиди билан боғлиқ бўлган вазиятлар тушунилади.

Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар юзага келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари тегишли ишлаб чиқариш объектлари атрофида, транспорт магистрал йўллари бўйлаб алоҳида ҳуқуқий тартиб ўрнатадилар.

X. ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ВА БОШҚА ЙЎСИНДАГИ ФАОЛИЯТГА ДОИР ЭКОЛОГИЯ ТАЛАБЛАРИ

41-модда. Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатишга доир экология талаблари

Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника билан қайта ускуналаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатиш чоғида экология хавфсизлиги талаблари бажарилмоғи, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари назарда тутилмоғи лозим.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, айрим шахслар чиқитсиз ва камчиқит технологияларни жорий этишлари, ишлаб чиқариш ва рўзғор чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтиришлари, уларни зарарсизтиришлари ва қайта ишлашлари, чиқиндиларни навларга ажратиш, тўплаш, кўмиб ташлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Фаолияти атроф табиий муҳитга анча зарарли экологик таъсир этиши мумкин бўлган йирик халқ хўжалик объектларини ривожлантириш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар давлат экология экспертизаси хулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинади.

Экология талабларига жавоб бермайдиган объектларни фойдаланишга топшириш ман этилади.

42-модда. Радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлатиш пайтидаги экология талаблари

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим фуқаролар радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қўллаш, зарарсизлантириш ҳамда кўмиб ташлаш чоғида экология талабларига, белгиланган нормативлар ва қоидаларга риоя қилишлари, уларни қўллашнинг зарарли оқибатлари олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўришлари, мазкур нормативлардан ошиб кетилган тақдирда радиация ва кимёвий хавфсизликни таъминлаш идораларини дарҳол хабардор этишлари шарт.

Радиоактив чиқиндиларни ва кимёвий моддаларни кўмиб ташлаш учун рухсатнома давлат санитария ва кон назорати идоралари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади.

43-модда. Табиатни шовқин, тебраниш, электромагнит майдонлари ва бошқа зарарли физик таъсирлардан муҳофаза қилиш

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, айрим шахслар зарарли ишлаб чиқариш шовқинлари, тебраниш, электромагнит майдонларининг ва зарарли физик таъсирлар кўрсатувчи бошқа омилларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўришлари шарт.

44-модда. Табиатни назорат этилмайдиган ва зарарли биологик таъсирлардан муҳофаза қилиш

Табиатга зарарли биологик таъсир ўтказаётган ёки ўтказиши мумкин бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар бундай таъсир оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини амалга оширишлари шарт.

Янги микроорганизмлар, вируслар ва шакллар ҳосил қилишга ва фойдаланишга, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикасига олиб келишга фақат давлат санитария назоратининг ижобий хулосаси бўлганидагина рухсат этилади.

45-модда. Табиатни ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш

Зарарли чиқиндиларни, шу жумладан радиация даражаси юқори бўлган радиоактив чиқиндиларни, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари ҳудудида ва улар яқинида, аҳоли зич яшайдиган регионларда, курортларда, даволаш-соғломлаштириш минтақаларида, рекреацион минтақаларда, шунингдек сув объектлари ва сувни муҳофаза қилиш минтақаларида кўмиб ташлаш таъқиқланади.

Чиқиндиларни махсус қурилмаларда зарарсизлантириш, полигонларда кўмиб ташлаш ва тўплаш табиатни муҳофаза қилиш давлат идораларининг рухсатномаси билан амалга оширилади.

46-модда. Экологня гуҳоҳномалари

Экология ёки гигиена гуҳоҳномасига эга бўлмаган, шунингдек уларда белгиланган мезонларни бузган ҳолда хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, технология жараёнларини жорий этиш ва тайёр маҳсулотлар (шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари) ишлаб чиқариш ман этилади.

Экология гуҳоҳномаси бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

XI. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК, ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ОИД НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

47-модда. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Тубандаги ҳолларда:

табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, ундан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назаридан хавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сиғимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда;

табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитга зарарли моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, қаттиқ чиқиндилар жойлаштирганлик, бу муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортганликда;

табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармасликда;

атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда;

табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;

алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий тартиботини бузганликда;

атроф табиий муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузганликда;

ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўёбга чиқаришларига тўсқинлик қилганликда;

атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.

48-модда. Атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва ўзгартириш

Корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг инсон саломатлигига ёки яшаш шароитига, табиий ресурсларга, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларга зарарли таъсир этган ёки бундай таъсир этиш хавфи туғилган тақдирда уларнинг фаолияти чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, зарарли таъсир этиш сабабларини бартараф этишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса тугатилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Бундай объектларнинг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ёки ўзгартириш ҳамда айни вақтда уларни пул билан таъминлашни тўхтатиш хусусидаги қарорларни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ўз ҳуқуқ доирасига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш идоралари чиқарадилар.

49-модда. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти

Атроф табиий муҳитга зарар етказган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар етказган зарарни, шу жумладан бой берилган фойда ўрнини қонунларга мувофиқ қоплашлари шарт.

Экология талабларини бузганликда айбланаётганларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши уларни атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

50-модда. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлик учун иқтисодий жавобгарлик

Табиатдан махсус равишда фойдаланишни оқилона амалга оширмаганлик, атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизишни, ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол чиқиндиларини жойлаштиришни норматив лимитларда белгиланганидан кўпайтириб юборганлик учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ оширилган солиқ солиниши керак.

Тегишли ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг, табиатни муҳофаза қилиш идораларининг қарорига мувофиқ айтиб ўтилган қоидабузарликларнинг сабабларига барҳам берилгунга қадар юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолиятини пул билан таъминлаш тўхтатиб қўйилиши мумкин.

51-модда. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузиш оқибатида зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг жавобгарлиги

Корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига етказилган зарарни қоплаш юзасидан чиқимдор бўлишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан моддий жавобгар бўладилар.

52-модда. Экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш хусусидаги даъво талаблари

Юридик ва жисмоний шахслар атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига зиён етказаётган экология жиҳатидан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Суднинг экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисидаги қарори айтиб ўтилган фаолиятни пул билан таъминлашни тўхтатиш учун асос бўлади.

53-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартномалар

Башарти, Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномада ушбу Қонундагидан ёки Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа қонун ҳужжатидагидан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бирмунча қаттиқроқ талаблар белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирилгунга қадар уларнинг ушбу Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.

3. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга тегишли ўзгартишлар киритишга онд таклифларни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси уч ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатига тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси уч ойлик муддат ичида:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат комитетлари, идоралари, концернлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

— 1959 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш ҳақида»ги Қонун (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлар, 1959, № 12, 6-модда);

— «Ўзбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш ҳақидаги Қонунга ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1972 йил 26 октябрдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1972, № 30, 316-модда);

— «Ўзбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш ҳақидаги Қонунга ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Фармонини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 1972 йил 27 декабрь Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1972, № 36, 370-модда);

— «Ўзбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш ҳақидаги Қонун»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1984 йил 1 март Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1984, № 7, 110-модда);

— «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон Республикасининг баъзи бир қонун актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақида» 1984 йил 28 июндаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Ўзбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш ҳақидаги Қонун»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1984 йил 1 март Фармонини тасдиқлашга доир қисми (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1984, № 19, 281-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

УЛКА ТАРИХИ УРГАНИЛМОҚДА

● Ҳар бир район, ҳар бир овул ва давлат хўжаликларининг ўзига яраша обидалари, ёдгорликлари мавжуд. Ҳозиргача кўпчилик ўзи яшаб турган жой тарихини яхши билмайди. Яхшиям, бахтимизга кексалар бор, тарихий ва илмий асарлар ҳам талайгина.

Эллиққалъа районида обидалар, тарихий ёдгорликлар, қалъалар ниҳоятда кўп. Хоразм экспедицияси бир вақтлар текширган даврда қадимий Хоразмнинг кўҳна қалъалари энг кўп жойлашган маконҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа, Тўртқўл, Беруний районлари заминида қурилганлиги аниқланган. Аммо, турғунлик йилларида бу обидаларга эътибор берилмади. 1977 йилда биргина Эллиққалъа районида ҳудудида 253 та қалъа ёдгорликлари мавжуд бўлган бўлса, 1990 йилга келиб шундан 28 та обида харобаси қолган, холос. Район ҳудудида шу кунгача сақланиб келаётган «Тупроққалъа», «Қоватқалъа», «Норинжонқалъа», «Гулдурсин» «Қўмбосганқалъа», «Бургутқалъа», «Қирққизқалъа», «Аязқалъа», Тўрткўл районидаги «Ёнбошқалъа», «Қўйқирилганқалъа» каби улкан ёдгорликлар ўзининг бой тарихига эга. Ана шу қалъалар ҳақида кўпгина тарихий очерклар, илмий асарлар яратилган.

— Район ҳокимияти, район партия кенгаши ўлкамиз тарихини ўрганишга алоҳида эътибор бермоқда, — деди район халқ таълими бўлими мудири Мадраим Қобулов. —Ушбу ўқув йилида юқори синфларда ўлкамиз тарихини ўрганиш фанини ўқитишнинг дастурини ишлаб чиқдик. Бунга Ҳамза номли ўрта мактаб директори Тўра Қиличевнинг «Кўҳна қалъалар диёри» китоби асосий манба қилиб олинди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

⊙ Гурлан райони марказида мачит-мадраса қурилиши бошлаб юборилди. Ҳашар йўли билан бунёд этилаётган мўътабар бу даргоҳнинг пойдеворига дастлабки ғишт қўйиш маросимида район ҳокими Амин Вафоев иштирок этиб, тантана қатнашчиларини қувончли воқеа билан муборакбод этди.

Мачит-мадраса қурилиши учун сарфланадиган маблағни колхоз ва совхозлар, саноат, қурилиш, транспорт корхоналари, турли муассасалар ҳамда кооператив-ширкатларнинг жамоалари, минглаб хотамтой фуқаролар жамғариб беришга ахд қилишган. Ноҳия агроқурилиш банкида махсус очилган ҳисоб рақамига ўтказилган хайрия пули қисқа вақт ичида қарийб ўн миллион сўмга яқинлашиб қолди. Жумладан, мачит-мадраса қурилишига «Вазир» жамоа хўжалиги уч миллион сўмдан ортиқ, вилоят матбуот бошқармасининг Гурлан районлараро босмахонаси ишчи-хизматчилари ҳамда Йўлдош Собиров раҳбарлик қилаётган «Собирхўжа» фермер хўжалиги юз минг сўмдан маблағ хайрия қилишди.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

Темур тузуклари

Мен тангрининг иноятига суяниб, [Бағдод устига] қараб юрдим ва тез фурсатда Бағдодга етиб бордим. Султон Аҳмад жалоир қолишдан қочмоқни афзал кўриб, Қарбало томонга қараб қочди. Шу билан доруссалом Бағдод менга бўйсунди[4].

ТУХТАМИШХОННИ ИУҚОТИШ УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

[Тўхтамишхон мендан енгилиб] Жўчи улусини талон-торожга ташлаб, ўзи қочган эди. Кейинроқ менинг йўқлигим фурсатидан фойдаланиб, Дарбанд ва Ширвон орқали Озарбайжонга кўп сонли лашкар юбориб, фитнаю фасод кўтарди. Бу вақтда мен ҳар иккала Ироқни ҳам эндигина забт этиб бўлгандим. Тўхтамишхонни йўқотиш учун беҳисоб лашкар билан Дарбанд йўли орқали[5] яна Дашти Қипчоққа юришни маслаҳат кўрдим.

Юриш олдидан кўрик қилиб, лашкарим қаергача бориб етишини билмоқчи бўлдим. Қарасам, тўрт фарсанг масофада лашкарларим саф тортиб турарди. Тангри таолога шукр келтирдим. Сўнг Темур дарёси[6]дан ўтиб, Дашти Қипчоқнинг элу улусига ушбу мазмунда

[4] Бу воқеа 1392—93 йилларда рўй берган. Темур Бағдодни забт этгач, Аҳмад Жалоир Мисрга мамлук султони Барқуқ (1382—1399) ҳузурига қочган. 1394 йили Темур иккинчи маротаба Бағдодни эгаллаганда яна қочди. Бироқ, Шом (Сурия)да занжирбанд этилиб, 1405 йили Амир Темур ўлимидан кейингина озод этилган, 1410 йилда Табриз остонасидаги жангда ҳалок бўлган.

[5] Каспий денгизининг ғарбий соҳилида жойлашган Дарбанд шаҳри яқинидан ва тоғлар оралиғидан ўтиладиган тор йўл. Бу йўлнинг мудофааси мустаҳкам бўлган. Шу сабабли уни Дари Оҳанин («Темир Дарвоза») деб аташган. Темур Дарбандни 1395 йилда забт этган.

[6] Амир Темур ва Тўхтамишхон орасидаги бу жанг Шимолий Кавказнинг Терек дарёси бўйидаги водийда юз берган. Шундан сўнг Темур Дашти Қипчоқда ва ундан шимолроқда жойлашган Тўхтамишхон қарамоғидаги қатор вилоятлар ва шаҳарларни ўзига бўйсундирган. Шулар орасидаги Олтин Урданинг Сарой Берка ва Ҳожи Тархон (Астрахан) каби марказий шаҳарлари ҳам бўлган.

37.

ёрлиқлар йўлладим: «Кимки менга келиб қўшилса улуғланади, кимки мен билан курашмоқчи бўлса йиқилади».

[Ҳижрий] 797 [милодий 1394—95] йилда Дашти Қипчоққа кирдим ва узоқ шимолида ястаниб ётган ерларигача бордим. Менга қарши бўлган Жўчи эл-улусини хароб қилиб, ўзимга тобеъ этдим. Бешинчи ва олтинчи иқлим[1] вилоятлари, улуслари ва қалъаларини забт этдим ва ғалабаю зафар қучиб ортимга қайтдим[2].

ҲИНДИСТОННИ ЗАБТ ЭТИШ УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Даставвал, фарзандларим ва амирларимнинг кўнгли, ўй-фикрларини билиш учун уларга маслаҳат солдим. Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир[3]: «Агар Ҳиндистонни олсак, унинг олтинлари билан бутун ер юзини эгаллаймиз», — деди. Амирзода Муҳаммад Султон[4] эса «Ҳиндистонни оламиз-у, бироқ [бунга] тўсиқлар бор: биринчиси — дарёлар, иккинчиси — ўрмону тўқайлар, учинчиси — тўлиқ қуролланган сипоҳийлар ва одамга ов қилувчи қутурган филлари кўп», — деди. Амирзода Султон Ҳусайн[5]: «Агар Ҳиндистонни қўлга кирита олсак, тўрт иқлимга ҳукмрон бўлурмиз», — деди. Амирзода Шоҳруҳ[6] деди: «Мен туркларнинг қонунларида ўқиган эдимки, жаҳонда бешта шон-шавкатли подшоҳ бордир. Уларнинг улуғворлигини ҳурматлаб номларини атамай лақаблари билан айтадилар: Ҳинд подшосини — рой, Рум подшосини — қайсар[7], Хитой ва Чину Мочин подшосини — фағфур, Туркистон подшосини — ҳоқон[8], Эрону Турон подшосини шаҳаншоҳ дейдилар. Шаҳаншоҳ ҳукми ҳамиша Ҳиндистон мамлакатларида жорий этиларди.

[1] Юнонистон ва қадимги шарқ жуғрофия илмида дунёнинг инсон яшайдиган қисми (ер) етти иқлимга бўлинган. Бешинчи ва олтинчи иқлимларга Хоразм, Мовароуннаҳр, Фарғона, Дашти Қипчоқ ерлари кирган.

[2] Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, 1405 йил январида Амир Темур Хитойга юриш бошлаган вақтда, узоқ муддат Дашти Қипчоқда саргардон бўлиб юрган Тўхтамишхондан элчи келади. У келтирган мактубда Тўхтамишхон Темурдан нонкўрлик қилгани учун кечирим сўраган эди. Амир Темур элчининг ҳурматини жойига қўйиб, Тўхтамишхоннинг гуноҳидан ўтган.

[3] Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир — Темурнинг набираси.

[4] Амирзода Муҳаммад Султон — Темурнинг набираси.

[5] Амирзода Султон Ҳусайн — Темурнинг набираси.

[6] Амирзода Шоҳруҳ — Амир Темурнинг кичик ўғли.

[7] Қайсар — Византия (Рум) ҳукмдори лақаби.

[8] Ҳоқон — хонлар хони, буюк хон. Чингизхон ва унинг тахт ворислари шу ном билан аталган.

38.

Қонун олдида ҳамма баробар

КУЧЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ ДАРКОР

⊙ Одамзотнинг уйи, хонадони тинч, пешонасига битган мулки дахлсиз бўлмоғи керак. Шу нарсалар бўлмаса унинг ороми бузилади. Элнинг безовталиги эса хонадондаги безовталикдан бошланади.

Районимизда жиноятчилик, қонунбузарлик кам бўлаяпти, деб мақтана олмайман. Айниқса, хусусий ҳамда давлат мулкини ўғирлашга уринишлар кўпайиб кетаётгани кишини ташвишлантиради. Иккита мисол келтириб ўтаман: «Намуна» жамоа хўжалигида боғбон бўлиб ишлаб келган Мўмин Умаров таниши Эркин Чориев билан олдин ароқ ичишган. Сўнг шайтон васвасасига учиб, шу хўжаликнинг 3-бригадасида яшовчи Н. Раимқулова деган ёши 70 дан ошган момонинг уйига ўғирликка тушишган. Супада ухлаб ётган кекса аёлга улар ҳиди хушни йўқотадиган кимёвий суюқлик сепишган. Сўнг роса муштлашган. Ва кўзларига илашган оддийгина соатни чўнтакларига уриб, жуфтакни ростлашган.

Панжи Ҳақбердиев, Иброҳим Ёдгоров, Собир Қурбонов, Рашид Чоршаевлар эса ўзаро тил бириктириб «Аэропорт» енгил автомашиналар таъмирлаш устахонасидан 21 дона шинани ўғирлаганлар. Ўғрилардан айримлари, излар босилсин деб, ҳатто, Украинага қочиб кетишган. Лекин бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, улар қўлга олиндилар.

Кўп йиллик иш тажрибага асосланиб айтмоқчиманки, фош қилиб бўлмайдиган жиноят йўқ. Изқуварнинг мақсади соф, аҳди қатъий бўлса, жиноятчини етти қават ернинг қатидан бўлса ҳам топиши мумкин. Мустақил республикамизда қонунчиликни мустаҳкамлаш йўлида бир талай ижобий ишлар амалга оширилаяпти. Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ўн биринчи сессиясида янги Конституциямизнинг қабул қилиниши, прокуратура тўғрисида қонун ва айниқса ҳурматли Президентимизнинг қонунчиликни мустаҳкамлаш тўғрисида жон куйдириб айтаётган гаплари, кўраётган амалий тадбирлари шулар жумласидандир.

Қонун — ижроси билан кучли. Қонунга нисбатан фуқароларда ҳурмат, ишонч уйғотиш қонунни ижро этувчи идора ходимларининг вазифасидир. Айни пайтда жиноятчиликка қарши кураш эса бутун жамоатчиликнинг ишидир. Бу борада кучларни бирлаштирсак тартиб, интизом мустаҳкамланади, юртда осойишталик бўлади.

Жўра НОРМАТОВ,
Термиз район прокурори.

МУСОДАРА ҚИЛИНГАН МОЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қарши шаҳар йўл бўлими ходимлари яширин иқтисодиёт «ишбилармонлар»нинг қонунга хилоф фаолиятини фош этдилар. Операция давомида Қарши шаҳридан кўплаб халқ истеъмоли моллари олиб чиқиб кетишга интилган шахслар тўдаси қўлга олинди.

Суратда: (чапдан ўнгга) Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги йўл хизмати жиноий қидирув бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Б. Мамедов, Қарши шаҳар ички ишлар йўл хизмати жиноят қидирув бўлими бошлиғи милиция капитани Б. Аббосов ва Қарши шаҳар ички ишлар йўл хизмати бошлиғи, милиция подполковниги Н. Жўпоновлар иш устида.

Суратқаш М. ШАРОПОВ (ЎзА).

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Иқтисодий бўҳрон ҳукм сураётган ҳозирги пайтда нафси ўпқон баъзи одамларни кўриб, тепа сочинг тикка бўлади. Улар ўз манфаати йўлида ҳар қандай пасткашликдан қайтмайдилар. Чироқчи туманидаги «Бешчашма» давлат хўжалиги бош чўпони Ҳасан Жўраев ана шундай нопок шахслардан бири бўлиб чиқди. У тап тортмай ўз отаридаги 219 бош қўйни фойдасига ўзлаштирди. Буни пулга чаққанда 725 минг 985 сўмни ташкил этар экан.

Қилғиликни қилиб қўйиб сувдан қуруқ чиқишни мўлжаллаган Ҳасанбойнинг омади юришмади. Сири фош бўлди. Бош чўпон унинг йўлига ғов бўлган район ички ишлар бўлими иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Панжи Жумаев, вилоят ички ишлар бошқармаси иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими масъул ходими Иброҳим Ороловлар олдида юзи шувит. Сўнгги пушаймондан фойда йўқ энди. Ҳ. Жўраев қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

ОВИ ЮРИШМАДИ

Деҳқонобод районига қарашли хўжалик ҳисобидаги автоколонна ишчиси Нормурод Аллаев ўз шахсий енгил автомашинасида Ғузор—Деҳқонобод катта йўлидан борар экан, ёмон ниятни кўнглига тугди. Шу мақсадда йўловчи М. Қоржовованн машинасига ўтказди. У керамзит карьери тўғрисига келганда машинани тўхтатди. Н. Аллаев ёнида ўтирган номаълум шахс билан бирга муштипар аёлни қўрқитди ва унинг қўлидан 9 минг сўм пулни тортиб олди.

Тезкор ҳаракат туфайли жиноятчилар қўлга тушди. Ҳозир Ғузор район ички ишлар бўлими ходимлари улар устидан тергов ишларини олиб боришяпти.

У. ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ходими,
М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МИЛИЦИЯ ЁРДАМЧИЛАРИ

Ромитан шаҳри ва райони қишлоқларида милиция ёрдамчилари пайдо бўлишди. Ҳозирча фуқаролик кийимида хизмат қилаётган бу йигитлар учун айни пайтда махсус кийим-бош ҳозирланмоқда.

Бу йигитлар Ромитан район мудофаа бўлими томонидан муқобил ҳарбий хизматга қолдирилган кишилардир. Район ҳокими ва ички ишлар бўлими раҳбарларининг таклифи билан улар милиция сафларига хизматга жалб қилинди.

— Бунинг учун билимдон, жисмоний жиҳатдан бақувват, жамоат тартибини сақлаш соҳасида хизмат қилишга тайёр йигитларни танлаб олдик, — дейди биз билан суҳбатда район ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция майори Шариф Аминов. — Улар ички ишлар органлари хизмати билан яқиндан таништирилди, фаолият жадвали, машғулотларни ўтказиш режаси тузилди, тажрибали участка назоратчиларига биркитилди. Зероки, уларни милиция сафларида тўлақонли хизматга жалб қилиш учун катта жисмоний тайёргарликдан ўтказиш, сиёсий-тарбиявий машғулотларга жалб этиш, ҳуқуқ-тартибот қонун-қоидаларини ўргатиш зарур...

Табиийки, бизни бу ташаббуснинг моддий ечими қизиқтирди. Маълумки, муқобил хизматга жалб қилинган йигитлар учун муайян маош белгилаш ва унинг йигирма фоизини район мудофаа бўлими фойдасига чегириб олиш керак.

Аниқлашимизча, райондаги барча жамоа ва давлат хўжаликлари, меҳнат жамоалари бу ташаббусни моддий жиҳатдан таъминлашни ўз зиммаларига олишибди. Тўғри-да, ўсиб бораётган жиноятчиликка қарши ўт очилган бир пайтда давлат бюджетига кўз тикиб ўтириш адолатдан эмас. Ахир, милиция ёрдамчилари туфайли улар ўз жамоалари аъзоларини тартиббузарлик, жиноятчилик ҳолларидан ҳимоя этишади-да.

— Бизнинг бу таклифимиз биринчи бўлиб Ромитан районида қўллаб-қувватланган қониқиш туғдиради, — деди биз билан суҳбатда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи М. Собиров. — Вилоятнинг бошқа районларида ҳам бу ташаббусни давом эттиришга ҳозирлик кўрилмоқда. Бундай ишончли ёрдамчиларга эга бўлган милиция ходимларининг хизмат самарадорлиги келгусида ошиши шубҳасиздир.

Дарҳақиқат, ромитанликлар бошлаб берган ташаббус ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга лойиқдир. Чунки, эскирган иш услублари, жумладан халқ дружиналари ёрдамида жиноятчиликка қарши курашда кескин ўзгариш ясаш амри маҳоллиги аллақачон аён бўлиб қолган.

Нусратилло НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

... Тошкент тумани. Участка милициясига эрта тонгда нохуш хабар келди: Кўктерак қишлоғидаги сув хўжалиги идорасининг дарвозаси бузилиб, хонадан рангли телевизор, ҳовлида боқилаётган ўн бош курка олиб кетилибди. Тезкор гуруҳ кечга бориб ўғри шу идора ҳайдовчиси 28 ёшли Дилмурод Халилов эканини аниқлади. Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан дарвога, деб шуни айтсалар керак-да... Михаил Теплов ҳам «Стеновик» кичик корхонасидан ўмарган иккита аккумлятор ва магнитафон билан узоққа боролмади. Милиция лейтенанти З. Қосимов бошчилигидаги тунги текширув чоғида илгари судланиб, ҳозир ҳеч қаерда ишламай юрган бу кимса қўлга олинди.

— Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш мақсадида «дарвоза» операцияси ўтказдик, — дейди туман ички ишлар бўлими масъул ходими Ю. Юсупов. — Шу тадбир давомида ноқонуний сақланаётган тўртта ўқотар қурол топилди, олти нафар дайди қўлга олинди, икки оғир жиноят фош этилди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИ ҚАЕРДА, НЕЧА НУСХАДА ЎҚИШАДИ?

1993 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ*

ВИЛОЯТЛАР БЎЙИЧА

1. Қашқадарё	17574
2. Фарғона	16762
3. Сирдарё	14134
4. Тошкент	12553
5. Андижон	12530
6. Наманган	12105
7. Бухоро	11115
8. Хоразм	10576
9. Жиззах	9986
10. Самарқанд	9912
11. Сурхондарё	7968
12. Қорақалпоғистон	6456
13. Тошкент шаҳри	4712
14. Навоий	3019
15. Қўшни республикалар	1640

ШАҲАР ВА РАЙОНЛАР БЎЙИЧА

1. Оқ олтин	2924
2. Тошкент	2688
3. Шаҳрисабз	2293
4. Яккабоғ	2224
5. Сирдарё	2191
6. Боёвут	2076
7. Мирзачўл	2018
8. Дўстлик	1816
9. Ғиждувон	1752
10. Ургут	1733
11. Олтиариқ	1641
12. Қамаши	1621
13. Қўшкўпир	1621
14. Чироқчи	1604
15. Қува	1600
16. Норин	1597
17. Шаҳрихон	1482
18. Амударё	1474
19. Қарши шаҳри	1431
20. Касби	1423
21. Балиқчи	1353
22. Вобкент	1331
23. Гурлан	1328
24. Нишон	1292
25. Сайхунобод	1288
26. Элликқалъа	1262
27. Риштон	1258
28. Тўрақўрғон	1256
29. Чортоқ	1230
30. Тўрткўл	1225
31. Шовот	1215
32. Наманган шаҳри	1204
33. Жиззах	1195
34. Шофиркон	1187
35. Қўқон шаҳри	1169
36. Гулистон	1165
37. Бағдод	1154
38. Хонқа	1144
39. Шароф Рашидов	1117
40. Асака	1077
41. Бешариқ	1067
42. Жондор	1067
43. Қоракўл	1047
44. Олот	1034
45. Китоб	1033
46. Хазорасп	1019
47. Ўрта Чирчиқ	1014
48. Марҳамат	1003
49. Поп	980
50. Фурқат	978
51. Андижон шаҳри	973
52. Музработ	973
53. Каттақўрғон шаҳри	971
54. Чуст	964
55. Боғот	955
56. Бўка	935
57. Задарё	933
58. Наманган	930
59. Учқўприк	925
60. Ховос	917
61. Ғазалкент	900
62. Данғара	891
63. Бахмал	875
64. Денов	873
65. Қарши шаҳри	872
66. Янгиқўрғон	862
67. Пешку	852
68. Иштихон	850
69. Бувайда	838
70. Шўрчи	837
71. Бўз	835
72. Жалолқудуқ	834
73. Риштон	831
74. Самарқанд шаҳри	826
75. Қизириқ	825
76. Мирзаобод	823
77. Бухоро шаҳри	819
78. Учқўрғон	804
79. Косонсой	794
80. Ғузор	770
81. Қибрай	765
82. Ўрганч шаҳри	761
83. Усмон Юсупов	758
84. Жарқўрғон	758
85. Олтинкўл	746
86. Пахтачи	737
87. Шеробод	718
88. Меҳнатобод	712
89. Пайариқ	706
90. Фарғона	698
91. Беруний	691
92. Булоқбоши	688
93. Хива	658
94. Пахтаобод	652
95. Урганч	646
96. Бухоро	638
97. Бекобод	631
98. Зафаробод	626
99. Қўрғонтепа	626
100. Фарғона шаҳри	624
101. Ғаллаорол	619
102. Андижон	618
103. Қизилтепа	611
104. Пахтакор	608
105. Паркент	597
106. Охунбобоев	590
107. Ангор	584
108. Пастдарғом	580
109. Оққўрғон	570
110. Зарбдор	569
111. Қоғон	560
112. Қуйи Чирчиқ	552
113. Янгийўл	552
114. Уйчи	551
115. Челак	540
116. Гулистон шаҳри	530
117. Янгиариқ	530
118. Хўжаобод	522
119. Жомбой	516
120. Зангиота	514
121. Термиз шаҳри	514
122. Зомин	509
123. Избоскан	506
124. Хатирчи	492
125. Деҳқонобод	489
126. Тошлоқ	485
127. Янгибозор	480
128. Чиноз	480
129. Фориш	477
130. Қувасой шаҳри	646
131. Ўзбекистон	462
132. Марғилон шаҳри	456
133. Хўжайли	445
134. Навоий	435
135. Самарқанд	432
136. Оқдарё	426
137. Каттақўрғон	420
138. Пискент	419
139. Юқори Чирчиқ	416
140. Навбаҳор	413
141. Нарпай	411
142. Конимех	396
143. Булунғур	386
144. Тойлоқ	349
145. Ғўзалкент	345
146. Олтинсой	334
147. Қумқўрғон	334
148. Қўнғирот	329
149. Муборак	324
150. Нурота	322
151. Янгиер шаҳри	321
152. Қорасув	320
153. Термиз	317
154. Сариосиё	315
155. Ёзёвон	306
156. Навоий шаҳри	288
157. Узун	273
158. Қўшработ	266
159. Баҳористон	262
160. Ангрен	238
161. Оҳангарон	234
162. Дружба шаҳри	221
163. Арнасой	217
164. Ленинобод	215
165. Чирчиқ	207
166. Тахиатош	197
167. Янгийўл	195
168. Комсомолобод	164
169. Бекобод	164
170. Шуманай	163
171. Сўх	157
172. Бандихон	144
173. Нукус шаҳри	135
174. Нуробод	134
175. Бойсун	126
176. Хонобод	124
177. Зарафшон	120
178. Олмалиқ	101
179. Нукус	68
180. Қораўзак	68
181. Чимбой	66
182. Ширин	57
183. Бўзатов	45
184. Кегайли	28
185. Томди	24
186. Учқудуқ	21
187. Янгиобод	12
188. Тахтакўпир	10
189. Мўйноқ	10

Кўринниб турибдики, сўнггги бир ой ичида «Ўзбекистон овози» обуначиларининг сони яна 15 минг кишига кўпайди. Эндиликда газетамиз 165076 нусхада тарқалмоқда. Унга обуна бўлишни хоҳловчилар афсусланмасин: «Ўзбекистон овози»га обуна давом этаётир.

* Маълумот республика матбуот тарқатиш марказидан олинди.

⊙ БОР БЎЛСИН ЯХШИЛАР!

ИШЛАГАНГА МЕҲР БАХШИДА

● Биз шаҳар ободончилигининг чинакам фидойилари — боғбонлар, фаррошлар, йўлсозлар ва коммунал хизмати ходимлари меҳнатини ҳар куни кўриб турсак-да, уларни қадрига доимо етавермаймиз.

Самарқанд шаҳар Темирйўл район ҳокимияти бундай заҳматкаш кишилар хизмати ҳар қанча эъзозга лойиқ деб топди. Яқинда райондаги ана шундай оддий касб эгаларига дастурхон тузалди. Уларнинг кўпчилигига қимматбаҳо совғалар улашилди. 30 кишига эса корхона ва ташкилотлар ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Т. МАМАТОВ,
район ҳокимлиги ходими.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

⊙ «Қуёш йўли Осиёдан бошланади ёки жаноб А. Сокольянскийга жавоб».

⊙ Қашқадарё: божхона қонунсизлик йўлини тўсади.

⊙ Хосият Бобомуродова ижодхонасида.

⊙ «Номинг ўчсин, уруш»: ўзбекистонлик 34 минг жангчининг қабрини излаб топган ёзувчи изтироблари.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти жамоаси институт илмий ходими Қ. Эргашевга отаси

Отажон ЭРГАШЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти жамоаси, Фарғона давлат дорилфунунининг проректори, ажойиб инсон, йирик тарихчи олим

Алимардон АБДУЛҲАМИДОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига таъзия билдиради.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий корпорациясининг «Нефтгазтаъминоти» савдо-ишлаб чиқариш акционерлик бирлашмаси «Андижоннефть» бошқармасига қарашли Жанубий Оламушук ишчилар таъминоти бўлими бошлиғи А. Хуруллаевга қизи

Одина ХУРУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти жамоаси институтнинг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Назира Ғаниҳўжаевага онаси

Нортожи КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

● РЕДАКЦИЯЛАР Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80; 32-53-14. Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43; 32-53-16; Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16; 31-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36; 32-54-35. Котибият — 33-72-83; 32-53-06. Ахборот — тижорат хизмати — 32-54-14. Қабулхона — 32-55-15.

● ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда—4-48-85, Бухорода—3-96-12, Гулистонда 2-26-22, Жиззахда 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада 6-97-89, Термизда 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича 33-76-04. Вилоят бўйича 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: С. САЛИМОВ.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.

● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.

● Қўлёзмалар ҳажми чегараланмайди.

● Газетанинг босилиш сифати ҳақида эътирозни қуйидаги телефонга маълум қилишингиз мумкин: 33-34-48.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Тиражи—165076 нусха. * Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди—20.15

№ 23. Г — 61 1 2 3 4 5 6